БАДИИЙ ТАҲЛИЛНИНГ НАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ

Қ.Йўлдошев

Статья посвящена теоретическому изучению проблем художественного анализа и его дидактических особенностей, в ней предпринята попытка классификации типов анализа и определения его основных принципов.

There was firstly investigated problems of rendering, types of rendering and its principles in article, its didaktic peculiarieties has been investigated in theoretical aspect.

Ҳар бир филолог қўлга олган асарининг бадиийлиги, яъни бетакрорлигини таъминлаган омилларни кўрсатиб бера олиши лозим. Адабиётшунос ва танқидчининг вазифаси адабий санитар сифатида истеъдодсиз битикчиларни қийратиб, уларни ёзмайдиган қилиш эмас, балки яхши асарларнинг фазилатларини кўрсатиб, ўқувчиларни эстетик жозибасиз битикларни ўқимайдиган қилишдан иборатдир. Зеро, истеъдодсиз одамни истеъдодсизлигига ишонтириб бўлмайди, демак, талантсиз ёзувчини ёзишдан тўхтатиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бадиий матндаги камчиликларни кўрсатишдан кўра, унда мавжуд фазилатларни қидириш, ҳар қандай адабий товарнинг ўз харидори борлигини кўзда тутиб, эстетик истеъмолчининг бадиий дидини юксалтириш лозим. Бу жараёнда бадиий таҳлил, яъни асарнинг диққатга лойиқ жиҳатларини илғаш, унинг ўзига хос қирраларини кўрсатиш жараёни ҳал қилувчи ўрин тутади.

БАДИИЙ ТАҲЛИЛ ТУРЛАРИ

Адабиётшунослик илмида ҳозирга қадар бадиий таҳлил нима, у қандай мақсадларни кўзда тутган ҳолда амалга оширилиши керак, деган саволга қатъий ва бир хил жавоб берилгани йўқ [1,2,3,4]. “Адабиёт назарияси” номи билан олдину кейин босилган дарсликлар [5,6] ёки бевосита бадиий таҳлил муаммоларига бағишлаб чоп этилган битикларда [7,8] ҳам таҳлилнинг дефиницияси берилмаган. Адабиётшунос Д.Қуронов “Адабиётшуносликка кириш” дарслигида [9] бадиий таҳлилнинг контекстуал ва имманент турлари ҳамда бу турларга хос усуллар тўғрисида фикр юритган эса-да, бадиий таҳлилнинг ўзи нима, деган саволга тўхталмайди.

Россиялик методист олим Б.Бобилев «Миллий олий ўқув юртларида бадиий матнни филологик таҳлиллашнинг назарий асослари» мавзусидаги докторлик диссертациясида бадиий таҳлил моҳиятини шундай тушунтиради: «*Бадиий матннинг филологик таҳлилидан асосий мақсад муаллиф образини идрок этиш, унга етишишдир. Айни шу ҳолат бадиий матнни филологик таҳлил қилишинг асосига қўйилиши лозим*» [10;296]. Мазкур қараш бадиий асар таҳлилига оид анча хусусиятларни қамраб олган. Дарҳақиқат, тадқиқотчининг муаллифга етишиши, унинг тажаллисига айланиши адабий асарнинг тўла англаб етилганлигини билдиради. Бадиий асарни муаллиф даражасида идрок этиш санъат намунасига хос деярли барча жиҳатларни ҳис этиш, асар замиридаги мантиқий ва бадиий маънони тўлиқ англаш имконини беради.

Айни вақтда, адабиёт тарихи бадиий адабиёт намуналари орасида муаллиф истагидан ташқари маъноларни ташийдиган, унинг мўлжалидан кўра ошиқчароқ ижтимоий ва эстетик «юк»ни зиммасига олган, муаллифнинг ўзи кутмаган ёки билмаган ҳолда бадиий кашфиётларга айланган кўплаб асарлар борлигига гувоҳдир. Муаллиф тасвирлаган ва ўқувчи томонидан идрок этилган бадиий манзара ҳамиша ҳам бир хил бўлавермайди. Баъзан ўқувчи муайян асардан адиб мутлақо кўзда тутмаган, хаёлига келтирмаган, ҳатто унинг қарашларига зид хулоса чиқариши ҳам мумкин. Чунки ҳаётий вазиятнинг ўзгариши, ижтимоий воқелик ва тафаккурдаги янгиланишлар баъзан ижодкорнинг оддий изҳори дили ифодасидан кутилмаган чуқур социал маънони келтириб чиқариши мумкин. Ҳақиқий бадиий асар, гарчи муайян даврда дунёга келган ва унинг хусусиятларини акс эттирган бўлса-да, фақат яратилган дам учунгина мансуб бўла олмайди. Психолог Л.С.Виготскийнинг: «*Санъатни кўпроқ даражада кечиккан муносабат дейиш мумкин, негаки, унинг дунёга келиши билан таъсир кўрсата бошлаши ўртасида ҳамиша оздир-кўпдир замоний оралиқ бор*» [11;341],- деган фикри ҳам бунга далилдир.

Замоний оралиқ ўқувчига адабий асардан ўзи яшаётган даврга мувофиқ хулоса чиқариш, шунга мос завқланиш имконини беради. Баъзан кейин юз берган ҳодисалар олдин яратилган бадиий асарнинг тамомила ўзгача қабул қилинишига сабаб бўлади. Усмон Носирнинг фахрия

характеридаги шеърий иқрори шоир қатағонга учраганидан сўнг мутлақо бошқача маъно касб этиб, уни башоратчи мақомига кўтарди. "*Илҳомимнинг вақти йўқ, селдай келади, Жаллоддек раҳм этмай, дилни тилади. Аёндир бир куни айлайди хароб*" сатрларини битаётган фурсатда шоир ўзининг қатағон қурбони бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган, албатта. Усмон Носир учун ўзгача маънога эга бўлган бу сатрлар шўро тузумининг табиатидан хабардор бугунги ўқувчи учун тамомила бўлакча мазмун ташийди.

Миртемирнинг «Бетоблигимда» шеъридаги: "*Мажнунтол тагига ўтқазинг мени, Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим*" мисралари тўғрисида адабиёттанувчи ва шоир Раҳимжон Раҳмат шундай ёзади: "*Шоирнинг ҳаёти ва ижоди – инсон психикаси ҳақидаги билимларимизни бойитадиган манба. Биз шоирнинг ҳаёти ва ижоди тимсолида ўз руҳиятимизга оид жуда қизиқарли, мураккаб сир-асрорлардан воқиф бўламиз. Таъбир жоиз бўлса, шоирлар – инсон руҳий камолоти йўлида қурбон бўлгувчи қавм. Шу маънода айтиш мумкинки, Миртемир 30-йилларда олган нафасини 60-йилларга келиб ташқарига чиқарди. У деярли 30 йил давомида нафас олмай яшади: ижодий эрки бўғилиб, қаттиқ ҳолдан тойган шоир 60-йиллар қирғоғига аранг етиб келиб: "Мажнунтол тагига ўтқазинг мени, Мен учун йиғласин...",- дея олди холос*" [12;35-36]. Менга эса Миртемирнинг бу сатрлари бор-йўғи узун ҳаёт йўлини босиб ўтган бемор шоирнинг тушкун руҳий ҳолати ифодаси бўлиб кўринади. Ижодкорнинг ўзигагина тегишли интим ҳолат ифодаси шўро тузумининг мафкуравий занжирларидан зада бўлган танқидчи томонидан адолатсиз замондан норози исёнкорнинг ноласи сифатида қабул этилган.

Бадиий ижод тарихида юқоридагилардан таъсирлироқ мисолларни ҳам кўплаб учратиш мумкин. Демак, асарнинг бадиий таҳлили учун ижодкор образини идрок этиш, муаллифнинг жилвасига айланишга ягона асос сифатида қараш таҳлил моҳиятини тўлиғича ифодалай олмас экан. Танишган бадиий асардан хулоса чиқариш, уни тадқиқ қилиш таҳлилчининг савияси, диди, дунёқараши, ҳаётий тажрибаси ва бошқа бир қатор омилларга ҳам боғлиқдир.

Бадиий таҳлилни асардаги турли эстетик унсурларни қидириб топишга қаратилган фаолият, деб қарайдиган мутахассислар анчагина. Чунончи, Д.Қуронов юқорида тилга олинган китобида: "*Таҳлил атамаси, одатда, илмда "анализ" деб юритиладиган истилоҳнинг синоними сифатида тушунилади. Анализ эса, маълумки, бутунни англаш учун уни қисмларга ажратишни, қисмнинг бутун таркибидаги моҳиятини, унинг бошқа қисмлар билан алоқаси ва бутунликнинг юзага чиқишидаги ўрнини ўрганишни кўзда тутади*",– деб ёзади. Россиялик олима Г.Тараносова қарашлари ҳам ўзбек ҳамкасбиникига яқин: «*...таҳлил адабий асарни тўғридан-тўғри ва жўн тушуниш ўрнига уни фикран маъноли қисм ва унсурларга бўлиб қабул этишни кўзда тутадиган илмий фаолиятдир*» [13;15]. Бу қарашларда асосли ўринлар жуда кўп. Дарҳақиқат, матнни қисмларга ажратиб текшириш асарни жўн қабул этишдан, уни ҳаёт ҳодисаси билан аралаштириб юборишдан сақлайди. Лекин, маълумки, ҳар қандай асл бадиий асар яхлит поэтик бутунлик ҳисобланади ва бу бутунликка дахл қилиш унинг жозибасини йўққа чиқариши мумкин. Г.Тараносова ҳам асар таҳлилига қўйиладиган биринчи талаб унга яхлит ҳодиса сифатида ёндашиш эканлигини таъкидлайди. Аммо олима адабий таҳлил моҳиятини тушунтиришда бадиий асарни «қисмлар» ва «унсурлар»га ажратиб ўрганишни асосий шарт ҳисоблайдики, бу ҳол амалда унинг олдинги қарашларига зид келади. Ҳолбуки, қисмларга ажратиш ва уни англашга уринишдан мақсад бутунни тўлароқ идрок этиш ҳамда унинг моҳиятини тушунишдан иборатдир.

Ж.Азизов ва Г.Усова каби адабиёттанувчилар қаламига мансуб «Адабий таҳлил назарияси ва амалиёти» рисоласида: «*...таҳлил адабий асарнинг бадиий мантиғига сингишиш мақсад қилиб қўйилган илмий изоҳдир*» [14;52] тарзида таъриф берилади. Бу қараш бадиий таҳлил моҳиятини акс эттириши жиҳатидан ҳақиқатга яқинроқ. Бироқ, Ж.Азизов ва Г.Усоваларнинг таърифида ҳаётий мантиқни англаш зарурияти кўзда тутилмайди.

Маълумки, бадиий адабиёт тарбиявий, коммуникатив, баҳолаш, гедонистик (ҳиссий завқланиш), маърифий ва бошқа қатор функцияларга эга. Ҳар бир бадиий асарда ўша вазифалар қанчалик бажарилганлигини аниқлаш матннинг моҳиятига етиш имконини беради. Шундан келиб чиқиб, бадиий асар таҳлили тушунчасига: *Бадиий таҳлил адабий асарнинг муаллиф кўзда тутган ҳамда асар текширилаётган вақтдаги бадиий ва ҳаётий мантиғи ҳамда эстетик жозибасини англашга йўналтирилган илмий фаолиятдир*,– тарзида таъриф бериш мумкин. Бу таъриф ҳодисага хос деярли барча асосий хусусиятларни қамраб олади.

«Таҳлил» атамаси арабча «*эритиб юбориш*», «*мураккаб бутунни қисмларга ажратиш*» маъноларини англатадиган "*ҳалала*" сўзидан келиб чиққан. Баъзилар адабиётшуносликда бу сўз замирига «ҳалоллаш» маъноси ҳам юкланган, деб ҳисоблашади. Яъни таҳлил дейилганда, бадиий матннинг маъноси ва жозибасининг ҳалоллаб берилиши, ўқувчига бегона бўлган матнни эритиб, унинг шуурига жойлашга қаратилган фаолият кўзда тутилади. Санъат асаридан келиб чиқадиган ҳаётий маънони топиш, унга жозиба бағишлаган эстетик унсурларни кашф этиш, ўрганилаётган асарнинг бошқа битиклардан фарқини аниқлаш, миллий эстетик тафаккур ривожига қўшган ҳиссасини кўрсатиш ғоят муҳим. Айни вақтда, бадиий завқ манбаи нимада эканини, китобхонни муайян асардан таъсирланишга олиб келган омиллар, кўркам сўзнинг мантиқий тушунчалар доирасига сиғмайдиган жозибаси қаердан келиб чиқаётганини аниқлаш ҳам ўта муҳимдир.

Бадиий таҳлил шаклига кўра: а) оғзаки; б) ёзма сингари икки турга бўлинади.

Бадиий асар оғзаки шаклда ҳам таҳлил қилинади. Лекин таҳлил амалиётида ёзма шакл кенг ёйилган. Бу таҳлил тури фақат айтилган вақт учунгина дахлдор бўлмай, кейинчалик, катта даврий оралиқлардан сўнг ҳам таъсир кўрсатиши, инсон бадиий тафаккурини шакллантира олиши, боболардан урпоқларга мерос бўлиб ўтиши билан характерланади.

Бадиий асар таҳлили ундан кузатилган мақсадга кўра: а) илмий (филологик); б) ўқув (дидактик) сингари икки турга бўлинади.

Филологик (илмий) *таҳлил адабий асарнинг муаллиф кўзда тутган ҳамда асар текширилаётган вақтдаги ҳаётий ва бадиий мантиғи ҳамда эстетик ўзига хослигини англашга йўналтирилган ҳиссий-интеллектуал фаолиятдир.* Илмий таҳлилда чиқарилган хулосаларнинг адабиётшунослик илми эришган даражага мувофиқ келиши талаб этилади. Бунда ҳар бир фикр ҳам мантиқий тушунчалар, ҳам эстетик қонуниятлар билан асосланган бўлиши лозимдир. Шунингдек, илмий таҳлилда ўрганилаётган асарнинг умуммиллий адабиётдаги ўрни ва миллий тафаккур тараққиётига таъсир даражаси кўрсатилади.

Филологик таҳлил ҳар қандай адабий ҳодисага мутахассис назари билан қаралишини тақозо қилади. Илмий таҳлилдаги асосий нарса адабий асарнинг бадиийлигини таъминлаган жиҳатларни кўрсата билишдир. Филологик таҳлил илмий-эстетик фаолиятдир. У, асосан, бир киши томонидан амалга оширилади. Илмий таҳлил билан шуғулланаётган мутахассис вақт жиҳатидан ҳам, имконият жиҳатидан ҳам бир қадар эркин бўлиб, ўзи белгилаб олган бош мақсадга қараб интилади.

Ўқув таҳлили *эстетик-педагогик фаолият бўлиб, ўқувчи ёки талабаларни баркамол шахс сифатида шакллантириш мақсадида жамоа шаклида амалга оширилади*. Ўқув таҳлили мобайнида ўқитувчи ёки профессор ҳамиша ўқувчи ёхуд талабалар билан биргаликда фаолият кўрсатади. Бунда улар асарни танлаш имконига эга эмас (дастурга амал қилинади). Шунингдек, таҳлил белгиланган жойда (аудитория ёки синф), муайян вақт оралиғида (бир дарс ёки унинг қисми) давом этиши, бу кечимда ўқувчиларнинг ёш ва интеллектуал даражаси ҳисобга олиниши лозим бўлади. Шу жиҳатдан ўқув таҳлилини амалга ошириш филологик таҳлилга нисбатан мураккаброқдир.

Илмнинг бугунги даражасига кўра таҳлилда текширилаётган асардаги бадиий тимсолларни ижобий ва салбий гуруҳларга ажратмаслик, ҳар бир персонаж қарама-қарши табиатли кишилар нуқтаи назаридан баҳоланиши мумкинлиги кўзда тутилади. Одамларни жўнгина яхши ёки ёмон деб бўлмаганидек, бадиий тимсолларни ҳам ижобий ва салбийга ажратиб бўлмайди. Одам ўта мураккаб, табиати ва кайфияти ададсиз қирраларга эга яратиқдир. Ҳар бир одам тўлиқ ечими ҳеч қачон топилмайдиган муаммодир. Бадиий адабиёт ана шу ечимсиз тенгламанинг қирраларини бутун мураккаблиги, жилвалари ва товланишлари билан тасвир этиш орқали ўқувчини ўзгани ҳис қилишга, бировнинг дардини англашга ўргатади. Тўғри таҳлил одам руҳиятида муайян ахлоқий сифатлар ҳосил қилади, унда шахслик фазилатларини шакллантиради.

ТАҲЛИЛДА ДУНЁҚАРАШ ВА МИЛЛИЙ МАНСУБЛИКНИНГ ЎРНИ

Бирор бадиий асар текширилаётганда, ҳам муаллифнинг, ҳам ўқувчиларнинг дунёқараши ҳисобга олиниши керак. Муаллиф дунёқарашидаги ўзгачалик тўғри ҳисобга олингандагина асар моҳиятини англаш мумкин бўлади. Демак, бадиий таҳлилда фалсафий асос муҳим ўрин тутади. Дунё ҳодисаларига ёндашув тарзини тўғри белгилаб олмай туриб, очунни тўғри тушуниш, эстетик

идрок этиш ва тасвирлаш мумкин эмас. Фалсафий асос тўғри бўлмаса, бадиий асарга ёндашув бутунлай ғайриилмий характер касб этиши мумкин.

Арасту бадиий асарни тақлид - мимесис натижаси деб изоҳлаган. Ўзбек адабиётшунослигида ҳануз ўша қарашга таяниб иш кўрилмоқда. Агар эстетик ҳодиса мимесис натижаси бўлса, оламдаги барча миллатларда адабий тур ва жанрлар бир хил бўлиши лозим эди. Негаки, барча халқларни деярли бир хил ёки бир-бирига ғоят ўхшаш ижтимоий борлиқ ўраб туради. Бинобарин, тақлид ҳам деярли бир хилда амалга оширилган бўларди. Ҳолбуки, то XX асрга қадар ҳам ўзбек адабиётида драматик турдаги асар мавжуд эмасди. Шунингдек, «Алпомиш» йўсинидаги йирик эпослар ҳамма миллатларда ҳам бўлган дейиш унчалар тўғри эмас. Бадиий ижодга воқеликнинг жиддий таъсир кўрсатиши бор гап. Лекин бу ижод фақат борлиққа тақлиддангина иборат дегани эмас.

Фалсафий асос, таяниладиган назарий суянч бадиий ҳодиса моҳиятига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Исломдан олдинги туркий адабиёт тамомила ўзгача йўналишга эга бўлган. Бунга тошбитиклар, Иссиқ қўрғони ва Селунгур ғоридан топилган адабий ёдгорликлар тонуғдир. Уларда одамнинг хатти-ҳаракатлари унинг жанговарлик даражасига кўра баҳоланган. Инсонга асосан жангчи, ёғийга зарба берувчи, ўзгаларнинг нарсасини тортиб олиши керак бўлган яратиқ деб қаралган. Одам хатти-ҳаракатларининг маънавий асослари тўғрисида деярли бош қотирилмаган. Исломдан кейин адабий қаҳрамонлар ўз хатти-ҳаракатларини адолат, ҳалоллик, имон каби ўлчовларга сола бошлашди. Демак, фалсафий асоснинг турличалиги айни бир ҳодисани тамомила ўзгача қабул қилиш ва изоҳлашга сабаб бўлади.

Шунингдек, бадиий асар таҳлили тўлақонли чиқишида миллий хусусиятларни ҳисобга олиш ҳам катта аҳамият касб этади. Ҳар қандай эстетик ҳодиса муайян миллий заминда пайдо бўлади. Бинобарин, уни тушуниш, тадқиқ этиш ва тушунтиришда ўша миллатга хос хусусиятлар ҳисобга олиниши лозим. Бирор миллат учун эзгулик ёки гўзаллик намунаси ҳисобланган ҳодиса бошқа улус назарида ёвузлик бўлиб кўриниши ҳам мумкин. Чунончи, ўзбекларда гўзаллик тимсоли бўлмиш ой руслар учун кўпроқ, лоқайдлик, бефарқлик рамзидир. Голландлар энг сулув ва назокатли қизларни сигирга ўхшатишади. "Қизил ва қора", "Бовари хоним" асарларидаги де Ренал хоним ва Эмма Бовари образлари Кунботиш китобхонлари учун инсон ҳурлиги, эркин муҳаббат тимсоли саналса, ўзбек китобхонида бу аёллар кўпроқ бузуқ кимсалар сифатида таассурот қолдиради. Демак, бадиий таҳлил илмий-эстетик жиҳатдан пухта ва асосли бўлиши учун миллий мансублик ҳисобга олиниши керак.

Агар фалсафий асос соғлом бўлмаса, таҳлил қанчалар ўзига хос ва билимдонлик билан амалга оширилмасин, адабий асарнинг бутун жозибаси тўла намоён бўлмайди. Зеро, оламда тасаввурлардан бўлак ҳеч нарса йўқ деган қарашда катта ҳақиқат бор. Бадиий асарлар нуқтаи назарнинг характерига қараб тамомила ўзгача моҳият касб этиши мумкин. Шундай бўлмаганда, “Жангчи Турсун”, “Тарас Булба”, “Бригадир Карим”, “Назир отанинг ғазаби” каби битиклар ўзгачароқ талқин этилган, уларнинг бадиий қиммати ўз вақтида белгиланган бўларди.

Маълумки, марксча-ленинча фалсафа учун энг асосий масала онг ёки борлиқнинг бирламчилигини аниқлашдир. Унда материя бирламчи деб қаралади. Бу моддиятга бевосита дахлдор бўлмаган руҳий, ҳиссий, маънавий тушунча ва қадриятларга иккинчи даражали деб қарашга олиб келади. Бинобарин, бадиий ижоддаги асосий қадрият бўлмиш инсон руҳияти ифодаси орқа планга сурилади.

Олам қарама-қаршиликлар бирлиги ва курашидангина иборат деб қаралгани учун башариятнинг исталган ижтимоий шаклдаги ҳаёти синфий олишув ва одамнинг тирикчилиги фақат адоқсиз зиддиятлар занжири тарзида талқин қилинади. Бадиий асар ва ундаги тимсолларга шундай кўзқараш билан ёндашиш баъзан текширилаётган асардан мутлақо нотўғри хулосалар чиқаришга олиб келди. Бу хил ёндашувда бадииятнинг юксак намуналари, уларда акс этган ингичка руҳий ҳолатлар, ичкин манзаралар тасвири назардан четда қолади. Шунингдек, олам ҳодисаларини тасодиф ва зарурият тушунчалари асосида изоҳлайдиган моддиюнчилик ўз-ўзидан тақдир ва қисмат тушунчаларини инкор этади. У борлиқ ҳодисалари ва инсон руҳиятига доир барча ҳолатларни изоҳлаш мумкин, деб даъво қилади.

Соғлом фалсафа учун Аллоҳ, олам, одам муносабатлари энг асосий ва ҳал қилувчи масала ҳисобланади. Олам яратилишининг мақсади бўлмиш одам ва унга хос хусусиятларни илғаш, сезги аъзоларига бўй бермайдиган тушунчаларни ҳам изоҳлаш, инсон руҳий оламининг беқиёс ранг-

баранглигидан келиб чиққан ҳолда санъат асарларига ёндашиш бу фалсафанинг асосий тамойилларидандир. Руҳга доир жиҳатларни ҳамиша ҳам ақл билан изоҳлаш мумкин эмаслиги, ҳар бир одам ҳиссиётининг бетакрор ва ўзига хослиги инсон ҳаётининг бадиий нуқси бўлмиш адабий асарни таҳлил қилишда ҳам айни шу руҳоний, ҳиссий ва, демакки, эстетик қирраларни ҳисобга олишни кўзда тутади.

Ислом даврида Туркистон эстетикаси учун неча асрлар мобайнида назарий асос тасаввуф таълимоти ва ундаги тажалли назарияси бўлган. Шу боис ҳам асл бадиий асарга илоҳий ҳодиса тарзида ёндашилган. Туркий эстетика учун бадиий асар ҳеч қачон фақат воқеликнинг инъикоси ҳисобланмаган. Оламдаги барча моддий ва маънавий яратиқлар Аллоҳнинг тажаллиси экан, бадиий ижод ана шу тажаллининг эстетик моддийлашувидан иборат деб қаралган. Тажалли назарияси ҳар қандай бадиий ҳодисани Аллоҳнинг эманацияси тарзида изоҳлайди. Яъни, *Кунботиш учун адабиёт моддиятнинг мавҳумлашиши* бўлса, *туркий эстетика учун эса адабиёт руҳиятнинг моддийлашувид*ан иборатдир.

Туркий эстетика бадиий асарнинг энг кичик унсуридан ҳам гўзаллик қидирган ва топа билган. Бадиий асарлардан чиқадиган маъно, фикр, ғояга нафосатнинг ҳосиласи сифатида қаралган. Чунки тамкинлик, уйғунлик, мутаносибликка эга ҳар қандай гўзал шаклда етук фикр, чуқур мазмун бўлиши табиий ҳисобланган.

Мумтоз адабиётимиздаги сиртдан қаралганда турғун, қотиб қолган ва сийқадай туюлувчи адабий шаклларда ҳам бадиий кашфиётлар қилишнинг адоқсиз имкониятлари бўлган. Бадиий кашфиёт, инжалик деярли ҳамиша асарларнинг қатига яширинган ва ҳеч қачон очиқ бўлмаган. Чунки излаб топилган гўзалликкина лаззат беради. Шунинг учун ҳам мумтоз адабиётдан таъсирланиш учун бир қадар эстетик маълумотли бўлиш талаб этилган. Нафосатни воқелик ёки ижтимоиёт мантиғи билан изоҳлаш ўзбек эстетикасига бегона бўлгани боис бизда талқиндан таҳлил устувор турган.

Кунботиш эстетикасида асосий эътибор бадиий асарнинг ғояси, унда илгари сурилган фикрни топишга қаратилади. Санъат асарининг гўзаллигига кўпроқ чиройли либос, жозибали ташқи безак тарзида қаралади. Кунчиқиш бадийяти учун ҳамиша тасвирнинг қандайлиги муҳим саналади. Шу сабабли Кунботиш эстетикаси таҳлилда асосий эътиборни асарда *нима* тасвирлангинини топишга, Кунчиқиш бадийяти эса таҳлилда *ниманинг қандай* тасвирланганини аниқлашга қаратади.

Бизда бадиий ижод асосида ҳамиша гўзаллик ва ишқ масаласи турган. Олам ва одам Аллоҳнинг тажаллиси ўлароқ гўзал экани ва бадиий асар ана шу гўзалликни имкон қадар назокат билан ифодалаши кераклиги кўзда тутилган. Шунинг учун ҳам бизда Кунботар аҳли учун бир қадар сийқа туюладиган гул, булбул, май, ёр образлари эскирмайди. Бадиий ижоднинг бутун сеҳри ҳам эски воситалар ёрдамида янги туйғуларни, оҳорли руҳий ҳолатларни акс эттиришда эканлиги кунчиқар эстетикаси учун оддий ҳақиқат саналган. Хуллас, миллий адабиётшуносликда бадиий адабиётга яккаш муаммо кўтариш, масала қўйиш воситаси, дея ёндашилмаган.

Афсуски, кейинчалик адабиётга ижтимоий ҳодиса тарзида ёндашиш кенг ёйилиши санъат асарининг ҳақиқий қийматини кўрмасликка олиб келди. Адабий асарга вулгар социологик қараш устувор бўлганлиги учун ҳам Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи ҳануз ҳақиқий баҳосини тополмай келаётир. Бир замонлар шахсга сиғиниш авж олган, қатағон ойболтаси қонсираган даврда бу асардан аксилрус белгилари, миллатчилик излари қидирилган ва топилган эди. Қодирий шахси оқланиб, асарларини қисман ўрганишга изн теккач, буюк адибнинг юксак асарларида миллатчилик ҳам, аксилруслик ҳам йўқлиги, ёзувчининг бор-йўғи «айби» асарларида жамиятдаги чинакам илғор кучларни кўрсата олмаганида экани айтилди. Мустақилликка эришилгач эса, «Ўткан кунлар», айнан, рус босқинига қарши курашга даъват сифатида ёзилган, деган даъволар қилинмоқда.

Ҳолбуки, «Ўткан кунлар»дай доҳиёна асар бирор гап айтиш учунгина ёзилмайди. Адиб хаёлида юрган бирор ғояни сингдириш учун образлар яратмаган ва уларнинг оғзига ўз қарашларини "чайнаб" солиб қўймаган. У чин инсоний сезимларга эга тирик одамларнинг чигал тақдирларини акс эттирган. Романдаги ҳар бир образ тирик одам, ўзигагина хос сажияга эга шахс, асар қаҳрамонлари фақат ўз табиатлари мантиғига мувофиқ ҳаракат қилади ва адиб уларни етовда олиб юрмайди. Гап айтиш, фикр билдириш мақсад бўлганда ёзувчи образларнинг табиати ҳақида эмас, балки уларнинг қарашлари ҳақида кўпроқ қайғурган ва бинобарин, қаердадир

нотабиийликка йўл қўйган бўларди. «Ўткан кунлар» таҳлилидан келиб чиқиб, Қодирийни миллатчи эди дейиш қанчалар туҳмат бўлса, асарни мавжуд тартиботни ўзгартириш кераклигини билдириш учун ёзган дейиш ҳам ундан кам бўлмаган ноҳақликдир. Чинакам санъаткорнинг асаридан фақат ижтимоий маъно топишга уриниш адиб ва асарнинг қадрини оширмайди, балки ижодкор даҳосини нурсизлантиради. Адабиётни юксак аршидан ерга туширади.

ТАҲЛИЛ ТАМОЙИЛЛАРИ

Бадиий таҳлилда мантиқий тушунчалар асосида иш кўрилиб, илмий хулосалар чиқарилсада, илмнинг бошқа тармоқларидаги каби бир хил натижага эришилмайди. Таҳлилда бадиий асарнинг бутун сеҳру жозибаси тўлиқ намоён бўлиши, асарда акс этган инсон руҳияти манзаралари тўла англашилиши учун уни амалга оширишда бир қатор тамойилларга таянилиши керак.

Мукаммал ва тугал таҳлилнинг бўлиши мумкин эмаслиги бадиий асар таҳлилининг биринчи тамойилидир. Санъат ҳодисасига хос хусусиятларни мантиқ категориялари ва тафаккур тушунчалари қолипига тўлиқ, тугал ва бешикаст ағдариш мумкин эмас. Мантиқий категорияларга тўла тушириш, барча қирраларини тугал изоҳлаш мумкин бўлган ҳодиса санъатга тегишли эмас. Санъат мантиқий тушунчаларга сиғдириш мумкин бўлмаган жойдан бошланади. Бинобарин, энг зўр тадқиқотчи ҳам асл ижод намунасини ўзгача талқинга ўрин қолдирмайдиган тарзда тўлиқ таҳлил қилолмайди.

Коммунистик мафкура бадиий асарнинг мантиқий қолипларга тўлиқ тушадиган, охиригача изоҳлаш мумкин бўладиган тарзда яратилишини истарди. Шу талабга бўйсуниб, ўз талантини ғайри эстетик кўрсатмага мослаштирган ижодкорлар яратган битиклар асл бадиият намунаси бўла олмаган. Чўлпоннинг «Гўзал», «Бинафша», «Сирлар», Абдулла Ориповнинг «Ўйларим», «Генетика», «Денгизга», «Баҳор», “Сароб”, «Саратон», «Онажон», Рауф Парфининг «Ёшлик зангор фасл...», «Хато қилдим», «Ёмғир тинмади...», «Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал» каби асарларини охиригача, ҳаммани қониқтирадиган тарзда изоҳлаб бўлмайди. Уларни мантиқнинг қолипларига тўла тушириш имконсиз. Бадиий адабиёт ақл билан тўла изоҳлаш мумкин бўлмаган ҳолатлар ифодасидир. Чинакам бадиий матн уни идрок этган шахс ва авлодларнинг савияси, диди, интеллектуал даражасига мувофиқ равишда турли даврларда турлича қабул этилаверади. Ҳатто, баъзан бир асарнинг ўзи битта одам томонидан кайфиятининг қандайлигига қараб ҳар хил идрок этилиши мумкиндир.

Бадиий асар таҳлилида амал қилинадиган иккинчи тамойил ҳар қандай таҳлилнинг *шахсий мулоҳаза экани* ва у ҳеч қачон *мутлақ ҳақиқат бўлмаслиги*дир. Таҳлилчи қанчалик билимдон ва моҳир бўлишига қарамай, унинг фикрлари ҳамиша ҳам фақат шахсий қараш мақомида бўлади. Илмий ҳақиқатларни ҳамма бирдай қабул қилади, аммо эстетик ҳақиқатлар бундай эмас. Ҳар бир ўқувчи асарни ўзича ўқийди, тушунади, таъсирланади ва ҳис этади, ўзича тўхтамга келади. Бир асарни ўқиган бир қанча киши ўртасида ўзаро ўхшаш фикрлар бўлиши мумкин бўлгани сингари, бир-бирини мутлақо инкор этадиган қарашлар учраши ҳам табиий ҳолдир.

Мафкуралашган адабиётшунослик ҳар қандай асарнинг ҳамма томонидан бирдай қабул этилишини талаб қиларди. Аслида, бу - жамият аъзоларини эстетик йўл билан бир қолипга солишга уриниш эди. Компартиянинг адабиётга “раҳнамолиги” сабаби ҳам барча ижодкорларни оммани бир хил ўйлаш, яъни ўйламасликка ўргатадиган адабий сиёсатга кўниктиришдан иборат эди. Асарнинг бир мутахассис томонидан қилинган таҳлили нечоғлик чуқур эканига қарамай, ўзга бир шахс бу хилдаги талқинни ё қисман, ёки бутунлай қабул этмаслиги ва бадиий ҳодисага ўз позициясидан келиб чиқиб, тамомила бошқача баҳо бериши мумкин. Бадиий асарнинг ўта шахсий фаолият натижаси экани унинг қабул этилиши ҳам ғоят индивидуал йўсинда кечишига асос бўлади.

Адабий асар таҳлили тамойилларидан яна бири *санъат асарига ғоя ифодалаш воситасигина деб қарамаслик* ва унинг, биринчи навбатда, эстетик ҳодиса эканини ҳисобга олиш кераклигидир. Адабиётшуносликда ҳанузгача ҳам бадиий асарга, аввало, қандайдир ғояни ўтказиш йўли, деб қараш учраб туради.

Таҳлилида таянилиши зарур тамойиллардан яна бири бадиий асар *борлиқнинг нусхаси эмаслиги*дир. Санъат ҳодисасини табиат ёки ижтимоий ҳаётга тақлид натижаси деб тушуниш асарни воқеликка мос келиш-келмаслик нуқтаи назаридан баҳолашни тақозо этади. Ҳолбуки,

ҳаётдагидай тасвирлашнинг ўзи бирор асарнинг савияси юксаклиги ҳақида хулоса чиқаришга асос бўла олмайди. Ҳаётдан кўчириш ҳам китобдан кўчиришдай гапдир.

Бадиий мантиқ ҳамиша ҳам ҳаёт мантиғига мувофиқ келавермайди. Баъзан бадиий тасвир ҳаёт ҳодисасидан теранроқ, аҳамиятлироқ, салмоқлироқ бўлиши ҳам мумкин. Чунки бадиий асар воқеликнинг хаосидан яхлит ва ички интизомга бўйсунувчи, қатъий бадиий мантиққа биноан ҳаракатланувчи эстетик космос яратиш натижасида вужудга келади. Бу ҳақда норвег адабиётшуноси Э.Ховардсҳолм: «*Поэзия реал борлиқнинг тақлиди ҳам ёки унинг қандайдир талқини ҳам эмас. Поэзия ўз ҳолича ортиқ даражадаги реалликдир*»,[15;459]- деб ёзади.

Бадиий таҳлилнинг муҳим тамойилларидан бири *яхлитлик*дир. Яхлитлик талаби ўрганиладиган бадиий асарга исталганча таркибий қисмларга ажратиб ташлаш мумкин бўлмаган эстетик бутунлик тарзида ёндашишни кўзда тутади. Санъат асарининг ички бутунлигига дахл қилинмагандагина унинг моҳиятини англаш мумкин. Бадиий таҳлил маънавият шакллантиришга йўналтирилар экан, шахс яхлит ҳодиса экани ҳисобга олиниши зарур. Чунки инсонга аввал ақлий, сўнг ахлоқий, сўнгра жисмоний, ундан кейин меҳнат, ундан сўнг ватанга муҳаббат, улардан кейин инсонпарварлик ва ҳ.к. тарзидаги сифатларни сингдириб бўлмайди. Инсон ё турли омиллар таъсирида бир қатор маънавий хусусиятларга эга яхлит бир шахс сифатида шаклланади ёхуд ҳеч қачон тўла маънодаги шахсга айланолмай қолаверади.

Бадиий асарга мўъжизавий бир бутунлик тарзида ёндашилмайдиган бўлса, унинг сиру жозибаси йўққа чиқиб, таъсир қудратидан маҳрум бўлади. Ўрганилаётган асарнинг барча жиҳатига бирваракайига синчков ёндаша билиш ва унинг қисмларидан бутунликнинг жозибасини кашф этиш таҳлил муваффақиятини таъминлайдиган омилдир.

Бадиий таҳлилда амал қилиниши зарур бўлган тамойиллардан бири *тизимлилик*дир. Тизимлилик принципи яхлитлик тамойилининг мантиқий давоми бўлиб, унда бадиий асарни ташкил этган унсурларнинг муайян тизимли кўринишда бўлиши ҳисобга олинади. Асл санъат асарида бири иккинчисига боғлиқ бўлмаган бирор бадиий унсур учрамайди. Бирор бир асарда портрет, ўхшатиш, пейзаж, кўчим, муболаға, кичрайтириш сингари воситалар тасодифий равишда келмайди. Таҳлил асар унсурлари айни шу тартибда гуруҳлашувининг ички мантиқий-коммуникатив, тасвирий-ифодавий қонуниятини очишга қаратилади.

Бадиий асар таҳлилида ҳамиша суяниладиган тамойиллардан бири *тарихийлик*дир. Адабий асар муайян тарихий шароитда, конкрет вақтда яшаб ўтган одам томонидан яратилгани учун унда акс аттирилган воқеаларгина эмас, балки руҳий ҳолат манзараларида ҳам ўша даврнинг тамғаси бор. Бадиий матн ҳамиша конкрет замон ва маконда яшаётган одам томонидан қабул этилади. Бинобарин, таҳлилга тортилган ҳар қандай бадиий асарнинг яратилган даврига хос хусусиятларни ҳисобга олмай туриб, уни теран таҳлил этиш имконсиз. Ўрганилаётган асарга тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашилмаса, қаҳрамонлар руҳий ҳолатини ҳам, уларни фаолиятга ундаган сабабларни ҳам тушунмаслик мумкин.

Тарихийлик тамойилига таяниш, айниқса, замонавий асарларни текширишда зарур. Чунки агар мумтоз адабиётнинг асл намуналари бошданоқ соф санъат асари тарзида яратилиб, ўтмиш санъаткорлар учун бадиий шакл устувор мақомда турган бўлса, замонавий ижодкорлар учун ўзгача ҳолат хосдир. Оламни эстетик идрок этишда глобал тасвир йўналишида кетаётган бугунги ўзбек адиблари томонидан яратилган деярли барча асарлар бирор ҳаётий туртки туфайли вужудга келган ва ўша тарихий шароит ҳисобга олинмаса, асарни тўғри тушуниш ҳамда тушунтириш имконсиздир. Чунончи, Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан», Э.Воҳидовнинг «Нидо», «Руҳлар исёни», Рауф Парфининг «Абдуллажон марсияси», «Чўлпон», «Она Туркистон», О.Матжоннинг «Кўрдим Шукур Бурхон...», «Қайси йил кўкламда Жайхун бўйида», «Энг сўнгги хазина» сингари асарларини таҳлиллашда тарихийликка таянмай туриб, самарага эришиб бўлмайди.

Адабий асарни таҳлил қилишнинг муҳим принципларидан бири *эстетик асосларнинг устуворлиги* тамойилидир. Бадиий асар инсон руҳияти манзараси бўлгани боис ўқувчиларни энг қабариқ, энг таъсирчан туйғулар билан юзма-юз қилади. Шу тариқа, китобхонлар ўзга одамларнинг руҳиятига ошно бўладилар. Ўз туйғуларини англаб етишга қийналадиган китобхоннинг ўзгалар ҳиссиётини туйишга одатланиши унинг сезимларини ўткирлаштиради, кечинмаларини нозиклаштиради. Таҳлилда эстетик асослар устувор бўлса, ўқувчининг қалб кўзи очилиб, туйғусизлик ва ҳиссизликдан қутулади. Бадиий асар ўқиш асносида бепарволик ва лоқайдликдан қутулиш инсон маънавияти учун улкан натижадир.

Маълумки, текшириладиган асарнинг бадиий жозибаси асар сиртида турмайди. Ундаги нафосатни, зарифликни англаш, унинг бадиий қатламларини кашф этиш учун муайян адабий билим ва эстетик диддан ташқари гўзалликни керакли жойдан қидира билиш малакаси ҳам шаклланган бўлиши керак. Чин гўзаллик ҳамиша яширинган бўлади. Яширин гўзалликни топиш эса осон эмас. Ижодкор «шифрлаб қўйган» яширин бадиий маънони, эстетик жозибани топиш адибнинг эстетик идеалини, тасвир услубини пайқай олган кишига насиб этади. Эстетик таҳлилга тортилмаган бадиий асар ечилмаган тест каби номаълумликдир. Бадиий таҳлил ана шу номаълумликни очадиган мантиқий-эстетик калит вазифасини бажаради.

Таҳлилда эстетик асосларга етарли эътибор бермаслик асл санъат асарларини йўққа чиқариши мумкин. Ҳазрат Навоийнинг «*Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушди ўт, Йўқ шафаққим, бир қироқдин осмонга тушди ўт*» матлаъси билан бошланадиган ғазали фақат мантиқий тушунчалар асосида таҳлил қилинса, киши бу асардан жуда чуқур маъно ҳам тополмайди. Бу сатрларга юксак руҳий ҳолат ифодаси тарзида ёндашилгандагина унинг жозибасини ҳис этиш мумкин бўлади. Маъшуқаси ҳажрида куйиб, ичи оловга тўлиб кетган лирик қаҳрамон қип-қизил бўлиб очилган чексиз-чегарасиз лолазор қўйнида турибди. Унинг назарида, уфқларга қадар туташиб кетган бепоён қизиллик лолазор эмас, балки маъшуқа фироғида куйган ғамбода ошиқнинг оҳидан дунёни тутиб кетган олов. Лолазор бориб туташган уфқ тепасидаги қизиллик ҳам шафақ нури эмас, балки ошиқнинг оҳидан чиққан олов ерни ёндириб бўлиб, осмон ер билан туташган жойдан кўкка чирмашди ва энди осмон ҳам бир қирғоғидан ёниб кетмоқда. Шу хилдаги таҳлилгина мисралар жозибасини очишга хизмат қилади.

Бадиий таҳлилни амалга оширишда *эмоционаллик* тамойили ҳам катта ўрин тутади. Бадиий адабиёт бошлича ҳиссиётга асосланган ҳодиса. Демак, бадиий таҳлилда ҳам асарнинг ҳиссиёт қўзғаш даражаси кўзда тутилиши муҳим. Ҳиссиёт ҳисобга олинмаган таҳлилда бадиий асарнинг эстетик ўзига хослиги йўққа чиқади. Таҳлил кишининг туйғулар оламига дахл қилсагина, асарнинг бадиий ва ҳаётий мантиғи ҳамда эстетик жозибаси очилади.

БАДИИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бадиий таҳлилда адабий матнга қандай ёндашилаётгани, унинг қайси жиҳатини тадқиқ этиш кўзда тутилаётгани ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. *Таҳлил этилаётган бадиий асарнинг қайси жиҳатига устувор аҳамият қаратилиши лозимлигини белгилаш таҳлилнинг йўналиши тушунчасини англатади*. Бадиий асар таҳлилининг тўлақонли бўлиши таҳлилчининг матнни қандай йўналишда текшираётганига боғлиқдир.

Бадиий асар таҳлили *генетик, типологик, функционал, фалсафий, психологик* ва *филологик* сингари олти йўналишда амалга оширилади [13;19]. Албатта, таҳлил йўналишларининг бу хилдаги таснифи жуда шартлидир. Негаки, одатда бадиий таҳлил жараёнида бу йўналишлардан бири устувор ўрин тутсада, деярли ҳеч қачон фақат биттасидан фойдаланилиб, бошқаси четга суриб қўйилмайди. Чунки ўрганилаётган асарга ҳар жиҳатдан қараш зарурияти ҳамиша сақланиб қолади.

Бадиий асар *генетик* йўналишда таҳлил этилганда асарнинг юзага келиш жараёни, вариантлари, ёзилиш сабаблари тадқиқ этилади. Бунда асарни юзага келтирган омиллар кўрсатилишига алоҳида эътибор қаратилади. Адабиётшунос С.Азимов Ҳамид Олимжоннинг “Ўрик гуллаганда”, ёзувчи Саид Аҳмад Ғафур Ғуломнинг “Вақт”, “Сиёҳдон” шеърлари генетик таҳлилини амалга оширишган.

Типологик йўналишда таҳлил қилинаётган асарни юзага келтирган бадиий ёки ҳаётий манбалар, таҳлил этилаётган асарнинг ўша даврда яратилган бошқа асарларга ўхшаш ҳамда фарқли томонлари, асар муаллифи билан ўзга адиблар орасидаги ижодий таъсир, бадиий ворислик кабиларни аниқлашга эътибор қаратилади. Бу жиҳатдан Н.Афоқова ва Г.Ашуроваларнинг А.Орипов ижодида мумтоз шеърият изларини қидириш борасидаги илмий изланишлари диққатга молиқдир. Шунингдек, Ш.Раҳмон шеъриятига Г.Лорка, С.Саййид лирикасига Фурқат ижодининг таъсири борасидаги кузатишлар типологик таҳлил намуналаридир. Генетик ва типологик йўналишдаги таҳлил мутахассис бўлмаган кишилар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Функционал йўналишдаги таҳлилда асарнинг ижтимоий таъсир кучини аниқлашга алоҳида диққат қаратилади. Унда ўрганилаётган асарнинг муайян миллат маънавиятида қилган ўзгариш текширилади. Таҳлилланаётган асарнинг миллий адабий жараёнда тутган ўрни, яратилган замонидаги ёки текширилаётган даврдаги кишилар тафаккурига қилган таъсири ўрганилади.

Асардаги қайси образ ёки тасвир орқали қандай ижтимоий қонуният ёхуд муаммо ёритилгани текширилади. Ўзбек адабиётшунослигида таҳлилнинг функционал йўналиши кенг ёйилган ва у қатор ижобий хусусиятлар билан биргаликда тенденциозлик, матннинг бадиий жозибасини эътибордан қочириш сингари салбий жиҳатларга ҳам эгадир.

Асар *фалсафий* йўналишда таҳлил қилинганда, ёзувчининг дунёқараши ва эътиқоди, оламни кўриш, англаш, тушунтириш ҳамда тасвирлашда таянадиган фалсафий асос текширилади. Лекин бундай таҳлил бадиий матндан узилган фалсафий мушоҳадалардан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Чунончи, ижодкорнинг ўрганилаётган асари матнидан келиб чиқмайдиган ҳар қандай хулоса ўрганилаётган ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

Психологик йўналишда адиб шахсиятининг ўзига хослиги, асар устида ишлаш усули, ижодий жараён психологияси, шу кечимдаги руҳий ҳолати ва унинг таҳлилланаётган асарда қолдирган нуқси, унинг савиясига кўрсатган таъсири каби жиҳатлар ўрганилади. Таҳлилнинг бу йўналишида юқорида саналган жиҳатларнинг қай йўсинда бадиий услубга айлангани, бадиий ҳақиқат шаклига кирганлиги текширилади.

Бадиий таҳлилнинг *лингвистик* йўналишида асосий эътибор ўрганилаётган асарнинг тил жиҳатига қаратилади. Бу йўналишда асар филологик ҳодиса сифатида ҳам тил, ҳам тасвир воситалари ҳамда улар ўртасидаги анъанавийлик ва новаторлик нуқтаи назаридан текширилади. Сўзнинг ўз ва бадиий маъноси, контекстдаги жозибаси, бадиий матн замирига яширилган мазмун ва бу яширилганликнинг ҳаётий-эстетик сабаблари сингари жиҳатларга эътибор қаратилади.

БАДИИЙ ТАҲЛИЛ ВА ТАСВИР БОСҚИЧЛАРИ

Бадиий таҳлил жиддий ҳозирликни талаб қиладиган илмий-эстетик жараёндир. Ҳар қандай илмий фаолият сингари бадиий таҳлил ҳам муайян босқичларда амалга оширилади. Амалиётда таҳлилнинг уч босқичда амалга оширилишини кузатиш мумкин. Биринчи босқич *(тайёрланиш)*да тадқиқотчи бадиий таҳлилга имконият ҳозирлайди. Иккинчи босқич *(таҳлиллаш)*да бадиий матн таҳлил этилади. Учинчи босқич*(хулосалаш)*да таҳлил умумлаштирилиб, илмий хулоса чиқарилади, асарнинг ютуқ ва камчиликлари кўрсатилади ҳамда унинг адабиётдаги ўрни белгилаб берилади.

Тайёргарлик босқичида таҳлил этиладиган асар матни ўрганилиши, таҳлилда эътибор қаратиладиган, урғу бериладиган жиҳатлар аниқлаб олиниши, асосий нуқталар белгилаб қўйилиши лозим. Шунда таҳлилнинг иккинчи босқичи муваффақиятли амалга оширилиши мумкин.

Иккинчи босқичда бевосита бадиий таҳлил амалга оширилади. Бунда матннинг жозибадорлигини таъминлаган эстетик омиллар: тимсоллар тизими, персонажлар руҳиятини кўрсатишда қўлланилган усуллар, ифода тарзидаги ўзига хослик, тил хусусиятлари сингари жиҳатлар текширилади. Таҳлил қилинаётган асарнинг эстетик қиммати, миллат бадиий тафаккур тараққиётидаги ўрни белгилаб берилади.

Хулосалаш-умумлаштириш босқичида асарнинг муайян ижодкор эстетик тақдири ва миллий бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни юзасидан умумлашма йўналишдаги тўхтамга келинади.

Чуқур бадиий таҳлилсиз теран бадиий тасвир бўлиши гумон. Кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихи мобайнида бадиий матн ривожи билан адабий фикр, яъни эстетик таҳлил тараққиёти ёнма-ён келади.

Янги ўзбек адабиётида тасвирнинг беш йўналиши бўлганлиги кузатилади. Бу тасвир босқичларини, шартли равишда, қуйидагича ифодалаш мумкин:

а) баён этиш (XIX аср иккинчи ярмидан XX аср бошларигача);

б) тасвирлаш (XX асрнинг 30-йилларигача);

в) акс эттириш (XX асрнинг 50-60- йиллари);

г) ифодалаш (XX асрнинг 70-80-йиллари);

д) тадқиқ этиш (XX асрнинг 90-йилларидан ҳозиргача).

Маълумки, XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидан эътиборан бадиий адабиёт зиммасига ижтимоий юк ортила бошланди. Бадиий асарда қандай ғоя ифодаланган муҳим саналадиган бўлди. Бу даврдаги аксар битикларда муаллиф ғоясининг *баён қилиниши* биринчи планга чиқди.

Кўп асрлик миллий ифода йўсинидан узоқлашиб, Кунботиш тажрибасини ўзлаштира борган миллий адабиёт шўролар ҳукмронлигининг дастлабки даври, яъни XX асрнинг 20-йилларида образлар ҳаёти, кечинмалари, хатти-ҳаракатларини *тасвирлаш* босқичига кирди. Адиблар эндиликда айтиб бериш, яъни баёндан тийилиб, яратган асарларида одамни сиртдан туриб тасвирлашга эътибор қилдилар. Бунда одамнинг ҳамма жиҳати эмас, балки муаллифга зарур қирралари сараланиб, тасвирга тортилади.

Бадиий тажрибалар ортиб бориши ўтган асрнинг 60- йилларида тасвирлашдан *акс эттириш* босқичига ўсиб ўтиш имконини берди. Энди адабий персонаж, қаламга олинган одам ичдан кўрсатила бошланди, яъни акс эттириладиган бўлди. Бу даврда ёзувчиларни баён ҳам, тасвир ҳам қониқтирмай, ҳаёт ҳақиқатига мувофиқлик асосий мезонга айланди. Бунда ижодкор ўзини панага олиб, образ ички дунёсини холис кўрсатишга кўпроқ эътибор қаратди.

XX асрнинг 70-80- йилларига келганда, санъаткор ўзини тасвир объектидан айро кўрмасликка, образ билан имкон даражасида қўшилиб кетишга уринди ва бу ифодалаш босқичини юзага келтирди. Ёзувчи холис акс эттирувчиликдан ўз кўнгли истакларини ҳам ифодаловчи мақомига кўтарилди.

XX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб *тадқиқ этишга* кўпроқ эътибор берила бошланди. Ҳозирда асар қаҳрамонлари муайян ҳолга келганлигининг ижтимоий, психологик, интеллектуал, физиологик ва б. Сабабларини бадиий текшириш расм бўлиб бормоқда.

Бадиий таҳлил ҳам бадиий матн яратиш борасидаги босқичларга бир мунча мувофиқ келадиган босқичларни босиб ўтди. Жумладан, XX асрнинг бошларида бадиий таҳлил асар сюжетининг қайта баёни ва ундан ижтимоий маъно келтириб чиқаришдан иборат бўлди. Бу хил таҳлил учун асарнинг эстетик қимматини тайин этишдан кўра, унинг ижтимоий аҳамиятини кўрсатиш муҳим саналар эди. Шу сабабдан бу босқичда бадиий матнга функционал ёндашув устуворлик қилди.

XX асрнинг 30-йилларидан 70-йилларига қадар бўлган оралиқда жамият ҳаёти қарама-қарши синфлар ва улар ўртасидаги аёвсиз курашлардан иборат деган қараш ҳукмронлик қилди. Бинобарин, бадиий асар таҳлилига ижтимоий ёндашув устувор бўлди. Бадиий асар фақат синфий-партиявий позициядан таҳлил қилинди. Бу даврда таҳлилдан кўра, ижтимоий талқин етакчилик қилди. Бу хил ёндашувда асарнинг бадиий жиҳатлари, жозибаси эмас, балки нимага бағишлангани, қандай масала кўтариб чиқилгани, қандай ижтимоий қатлам манфаатига хизмат қилгани, кимлар қаҳрамон қилиб олинганлигини аниқлаш муҳим саналарди.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб, миллий адабиёттанувда чинакам таҳлилга юз бурилиб, асарнинг жозибасини таъминлаган, унинг завқиёблигига сабаб бўлган омиллар текширила бошланди.

Ҳозир бадиий адабиёт ҳаётни мантиқий якунга эга ҳодиса тарзида акс эттиришдан унинг бошикети йўқ ҳодисотлар занжири сифатида тасвирлаш босқичига ўтган. Чунки инсон нафақат ҳаётни, балки ўз умрини, ҳатто тириклигининг биргина кунини ҳам истаганидай режага сололмаслиги, одамнинг умри олий бир куч томонидан унгагина маълум йўсинда бошқарилиши англаб етилди. Миллий адабиёттанувда ҳам масалага шундай ёндашиш, бадиий таҳлил кечимида шу ҳолатни кўзда тутиш ўзлаштирилмоқда.

Адабиётлар:

1. Коллектив. Пути анализа литературного произведения. – М.: Просвещение, 1981
2. Коллектив. Анализ художественного произведения. – М.: Просвещение, 1987
3. Рикёр Поль. Конфликт интерпретаций. - М.: Медиум, 1995
4. Есин А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения. – М.: Наука, 2002
5. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 2005
6. Ҳотам Умуров. Адабиёт назарияси. – Т.: Шарқ, 2002
7. Зуннунов А. Бадиий асар таҳлили методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1989
8. Мирқосимова М. Адабий таҳлил методикаси. – Т.: РТМ, 1993
9. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Фан, 2007
10. Бобылев Б.Г. Теоретические основы филологического анализа художсственного текста в национальном педвузе. Дисс... докт. пед. наук. - М., 1991
11. Выготский Л.С. Психология искусства. - М.: Педагогика, 1987.
12. Раҳимжон Раҳмат. Дала гуллари (Адабий мақолалар, кузатишлар ва шеърлар). - Т., 2006

13. Тараносова Г.Н. Анализ художественного текста в системе подготовки учителя русского языка и литературы в национальной школе. Дисс... докт. пед. наук. — М., 1991
14. Азизов Д., Усова Г. Теория и практика литературоведческого анализа. - Т.: РУМЦ, 1992
15. Ховардсхолм Э. Модернизм. В книге «Называть вещи своими именами». - М.: Прогресс, 1986.

Ўзбекистон миллий университети,
2009 йил 27 майда қабул қилинган